



“УЗКИМЁСАНОАТ АЖ” ИНОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МЕХАНИЗМИ

Дехканова Наргиза Шарифовна

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети “Саноат иқтисодиёти ва менежменти” кафедраси таянч докторанти. Тошкент, Ўзбекистон. dexkanovashox@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a16

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикаси кимё саноати, инновацион-инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, “Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналарининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, инвестицион салоҳиятни ошириш иқтисодиёт тармоқларининг инновацион янгиланишидаги аҳамияти, инвестицион фаолиятни рағбатлантириш, мамлакатимизнинг экспорт ҳажми ортиши ҳамда кимёвий маҳсулотларга талабнинг ортиб бораётгани ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар: саноат корхоналари, инновацион-инвестицион лойиҳалар, моддий-техник база, хусусий манбалар, инновацион-инвестицион лойиҳалар, кимёвий маҳсулот, экспорт потенциали, рақамли иқтисодиёт.

Кириш

Кимё саноат соҳасидаги ўрта ва узоқ муддатли истиқболларда иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида “Ўзкимёсаноат” АЖнинг мақсади инновацион-инвестицион лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдир.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётда инновацион фаолиятнинг кенг жорий этилиши ҳамда инвестицион фаоллик халқаро миқёсдаги рақобатбардошликни ошириб, барқарор ривожланиш учун хизмат қилади. Айниқса, кимё саноати корхоналарида инновацион-инвестицион фаолиятнинг кенг йўлга қўйилиши тармоқ иқтисодий самарадорлигининг ошишига аҳамиятли таъсир кўрсатади. Дунёда кимё саноатининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 триллион долларни ташкил этади.[1]. Хусусан жаҳонда кимё саноати энг ривожланган Германия, Италия, Франция, Буюк Британия, Нидерландия, Белгия жаҳон кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспортининг 23-24%, АҚШ – 20%, Япония – 15%, Россияда – 3-4 % ни ташкил қилади. Бу эса инновацион-инвестицион фаолиятни ривожлантириш ҳамда рағбатлантириш механизмлари самарадорлигини билдиради.

Ҳозирги вақтда кимё саноати республикада энг кўп энергия талаб қиладиган ва моддий талаб қиладиган тармоқлардан бири бўлиб қолмоқда. Харажатларнинг энг катта улуши тахминан 42% хом ашё ва материаллар, сўнгра 30% ёқилғи ва энергия билан таъминланади,

харажатларнинг энг кичик улуши тахминан 3% меҳнат ва хизматлар учун тўлов ва 4% ускуналарни ароматизация қилишга йўналтирилади. Жуда юқори энергия истеъмоли корхонанинг беқарор молиявий-иқтисодий ҳолатига олиб келади. Шу муносабат билан “Ўзкимёсаноат” АЖдаги инновацион-инвестицион сиёсатни такомиллаштириш, инвестицион фаолиятни рағбатлантириш ва инвестицион салоҳиятни ошириш фаолиятни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш лозим.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Шу ўринда иқтисодий адабиётларда инновация ва инвестициянинг таърифи ва иқтисодий аҳамиятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, унда турли ҳил ёндашувларни кўриш мумкин: инновация бу кашфиёт ёки ғоялар иқтисодий мазмун касб этадиган жараёнлардир[2]; инновация бу ғоядан тортиб то бозорда реализация қилинадиган тайёр маҳсулотгача бўлган барча жараёнлардир[3]; инновация бу ишлаб чиқаришга жорий этилган илмий тадқиқотлар натижаси ёки турдошларидан тубдан фарқ қиладиган кашфиётлардир[4];

М.С.Саидкамолов ёндашувига кўра «инвестицион фаолият» - бу ахборотлаштириш ва рақамлаштириш шароитида замонавий техника ва инновацион технологияга йўналтирилган ҳамда юқори самара берадиган молиялаштириш ва капитал қўйилмалар билан боғлиқ жадаллаштирилган жараёнларнинг мажмуи ҳисобланади[5].

Б.Ж.Боймирзаев илмий ишида “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти корхоналарида инновацион фаолиятни шакллантириш ва ривожлантиришнинг замонавий ҳолатлари ўрганилган[6].

С.Набиева

илмий тадқиқот ишида саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилган. Ишда муаллиф томонидан инновацион салоҳиятни рағбатлантириш тушунчасига кенг қамровли ёндашув шакллантирилди, яъни инновацион салоҳиятни рағбатлантириш - бу инновацияни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъект ёки истеъмомолчи томонидан янгиликни яратиш, сотиб олиш, ёки ўзлаштириш жараёнида ўзининг ички ва ташқи муҳитлари манфаатларини, унинг мақсадларига эришишни таъминлашга ундайдиган, рағбатлантирадиган ва эҳтиёжларни уйғотадиган кучларни фаоллаштирадиган жараёнлардир[7]

И.Ж.Жаҳонгиров ўз илмий ишида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат тармоғини инновацион-инвестицион ривожлантириш муаммолари ва унинг ечимлари тадқиқ этилган. Тадқиқотда саноат тармоғини модернизациялаш жараёнлари барқарор иқтисодий ўсиш омили сифатида тадқиқ этилган ҳамда унга таъсири корреляцион-регрессион таҳлил асосида аниқланган. Тармоқлараро ўзаро боғлиқликдан келиб чиқиб, саноат тармоғи инновацион-инвестицион фаолияти самарадорлиги баҳоланган ҳамда ҳисоб-китоб натижаларига таяниб, модернизациялаш йўналишлари илмий асослаб берилган[8]

П.Л.Виленский, В.Н.Лившиц ва С.А.Смоляк ўз ишларидаги услубий тавсияларда берилган лойиҳани амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини таърифига мазмунан янада ихчам, аммо ўхшашлигини беради ва уни лойиҳа иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими сифатида кўриб чиқишади, уларни муносабатларининг ҳар иккала шакллари ва ўзига хос миқдорий параметрларини ўз ичига олади[9]. Бироқ, бу таъриф умуман корхонанинг инновацион-инвестицион

фаолиятини эмас, балки фақат аниқ инвестицион лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутди.

Бизнинг фикримизча, инновацион-инвестицион фаолият янгиликларни амалга ошириш мақсадида инвестициялардан фойдаланиб кўзлаб қилинган барча илмий, ижтимоий-иқтисодий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат, маркетинг ҳаракатлардир. Инновацион-инвестицион фаолият шунингдек қандайдир аниқ инновацияни ривожлантириш мақсадида уни рағбатлантириш орқали амалга ошириладиган жараёндир.

Таҳлил ва натижалар


“Ўзкимёсаноат” АЖда инвестицияларнинг ўсишини ушлаб турадиган асосий муаммо, ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлигидир, кимё саноатидаги қайта ишлаш корхоналарининг молиявий беқарорлиги, кимёвий маҳсулотларга нархларнинг ўзгариши ва нархларнинг диспаратети (номутаносиблиги)нинг ошиши бунинг асосий сабабидир. Бу моддий-техника базасини ва умуман ишлаб чиқаришни янгилаш ҳамда модернизация қилиш учун етарли молиявий ресурсларга эга бўлмаган “Ўзкимёсаноат” АЖга қарашли корхоналарнинг молиявий муаммоларини сезиларли даражада ошириб юбормоқда.

Сўнгги йилларда кимё саноати тармоғидаги такрор ишлаб чиқариш жараёнида давлат иштирокининг сезиларли даражада пасайиши, капитал бозорида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги ва аксарият товар ишлаб чиқарувчилар учун қарз маблағларининг етишмаслиги уларнинг юқори “нархи” туфайли инновацияларга бўлган инвестицияларни асосий манба бўлишига олиб келмоқда. Молиялаштириш асосан ҳусусий маблағлар (амортизация ажратмалари, фойда) ҳисобига амалга оширилмоқда. Шунга кўра, “Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналарининг моддий-техник базасини кўпайтириш механизми самарали фаолият кўрсатишига имкон берадиган саноат тармоғида амалга ошириладиган инновацион-инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади (1-расм).

Шу муносабат билан “Ўзкимёсаноат” АЖдаги инновацион-инвестицион сиёсатни такомиллаштириш, инвестицион фаолиятни рағбатлантириш ва инвестицион салоҳиятни ошириш фаолиятни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш лозим.

Мамлакатимиздаги кимё саноати корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масаласида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4992-сонли қарори муҳим аҳамиятга эгадир.

Тармоқда яратилган пойдевор келгуси йилларда кимё саноатидаги корхоналарнинг экспорт ва инновацион-инвестицион салоҳиятининг барқарор ўсиш динамикасини таъминлашга замин яратади. Шунингдек, кимё саноатининг барча йўналишларини узоқ муддатли илғор инновацион-инвестицион фаолиятини ривожлантириш учун мустаҳкам базани яратиш, энг илғор хориж тажрибаларини инобатга олган ҳолда, тармоқдаги мавжуд қувватларни такомиллаштириш жараёнларини тезлаштиришни талаб қилиб қолади. Ушбу жараёнларни амалга ошириш учун инвестицион фаолликни янада ривожлантириш керак бўлади.



1-расм. "Ўзкимёсаноат" АЖнинг инновацион-инвестицион фаолиятдаги ташкилий-иқтисодий механизмни моддий-техник базани такрор ишлаб чиқариш ҳисобига ривожлантириш [10]



2-расм. 2016-2020 йилларда кимё саноатидаги асосий инвестиция кўрсаткичлари¹

Ўзбекистондаги кимё саноати корхоналарига 2016-2020 йилларда 2,1 млрд. долларга тенг қийматли лойиҳалар амалга оширилган. Бунинг натижасида 3155 та янги иш ўрни яратиш имконияти яратилди. Лойиҳалар ишга туширилиши натижасида жами 1,35 трлн. сўм бюджетга йўналтирилган.

Бу йиллар давомида 5,9 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. 2016-2020 йиллар оралиғида жами 16 лойиҳа яқунланди ва ишга туширилди. Лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб қилинган маблағлар 100 % ўзлаштирилди. Уларнинг таркибида 93,5 млн. доллар тўғридан-тўғри инвестициялар ўзлаштирилган ҳамда 30 та турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

“Ўзкимёсаноат” АЖдаги инвестиция манбаларига хусусий, қарзга олинган, жалб қилинган ва бюджет маблағлари киради. Хусусий манбалар - бу фойда, амортизация ажратмалари ва асосий воситаларни сотишдан олинган тушум киради. Қарзга олинган манбалар асосан банк ва бюджет кредитлари, шунингдек облигация кредитларидир. Жалб қилинган маблағлар - бу акцияларни сотиш, ижарага олинган пайлар ва жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ихтиёрий бадалларидан тушган маблағлар киради.

“Ўзкимёсаноат” АЖдаги инновацион-инвестицияларнинг ҳозирги таркиби, бу умумий инвестиция таркибида кимё саноат корхоналарининг хусусий инвестиция манбаларининг юқори улушига тўғри келишини кўрсатади. Молиявий аҳволнинг қийинлиги, дебиторлик қарзларнинг ўсиши ва аксарият кимё саноат корхоналаридаги қарз юкининг юқорилиги туфайли ушбу манбалардан фойдаланиш ҳисобига инвестицияларни молиялаштириш учун жиддий чекловлар яратмоқда. Шу боис кимё

саноати корхоналари хусусий инвестиция манбаларида жиддий танқисликни бошдан кечириб келмоқда.

Шу муносабат билан кимё саноати корхоналарининг асосий вазифаси хусусий маблағлар хисобига инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун зарур ресурсларни такомиллаштиришдир. Бу эса кимё саноатиинг молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти доирасида иқтисодиётга салбий таъсирни қисқартиради, кимё саноати маҳсулотларини инвесторлар учун жозибадор қилади ва уларга давлатида иштирокида инвесторларни қўллаб-қувватлаш бўйича грант дастурларда қатнашишларига имкон беради.

Кимё саноати корхоналарининг хусусий инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш, бу орқали капитал қўйилмалар оқимини кўпайтириш, иқтисодиётнинг кимё саноати тармоғида амалга оширилаётган инновацион-инвестицион лойиҳаларидаги рискларни камайтириш имкониятига эга бўлиш мумкин. Фойда ва амортизация “Ўзкимёсаноат” АЖнинг инвестицион фаолиятида тўпланган молиявий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш хусусий манбалар ҳисобидан амалга ошириш мумкин. Шунингдек амортизация фондидаги маблағларни депозитга қўйиш ва даромад олиш ҳисобига ҳамда устав капиталини ошириш орқали молиялаштириш манбалари сонини кенгайтириш мумкин.

Ҳозирги пайтда «Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарга инвесторларни жалб қилиш бўйича фаол инвестицион сиёсат юритмоқда. Мақсади энергия тежамкорлиги сезиларли бўлган ҳолда энг юқори унумдорликни таъминлаш ҳисобланган маҳаллий ва хорижий инжиниринг компанияларининг энг янги ишланмаларини қўллаган ҳолда аммиак ишлаб чиқариш бўйича йирик тоннажли агрегатларни модернизациялаш ва қайта таъмирлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб минерал ўғитга талабни қондириш учун 3.1 млрд доллорлик 17 та инвестиция лойиҳаси амалга оширила бошланди.[11]. Корхонада 2020 йил 9 ойда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари қиймати 5 684,9 млрд.сўмни ташкил етган булиб усиш суърати 105,1% ни ташкил этган. 2020 йил якунида ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари қиймати 7 704,6 млрд.сўм булиб, усиш суърати 118% (2019 йилга нисбатан). 2021 йилда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари қиймати 9 291,1 млрд.сўмни усиш суърати эса 121,0% ни (2018 йилга нисбатан) ташкил этди.[12]

Хулоса ва таклифлар

Демак хулоса қиладиган бўлсақЎзкимёсаноат АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар диверцификацияси орқали Республикамизнинг кимё тармоғини инновацион-инвестицион ривожлантириш учун хусусий маблағлар хисобига инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун зарур ресурсларни такомиллаштиришдир. Бу эса кимё саноатиинг молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти доирасида иқтисодиётга салбий таъсирни қисқартиради, кимё саноати маҳсулотларини инвесторлар учун жозибадор қилади ва уларга давлатида иштирокида инвесторларни қўллаб-қувватлаш бўйича грант дастурларда қатнашишларига имкон беради.

Кимё саноати корхоналарининг хусусий инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш, бу орқали капитал қўйилмалар оқимини кўпайтириш, иқтисодиётнинг кимё саноати тармоғида амалга оширилаётган инновацион-инвестицион лойиҳаларидаги рискларни камайтириш имкониятига эга бўлиш мумкин. Фойда ва амортизация “Ўзкимёсаноат” АЖнинг инвестицион фаолиятида тўпланган

молиявий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш хусусий манбалар ҳисобидан амалга ошириш мумкин. Шунингдек амортизация фондидаги маблағларни депозитга қўйиш ва даромад олиш ҳисобига ҳамда устав капитални ошириш орқали молиялаштириш манбалари сонини кенгайтириш мумкин.

“Ўзкимёсаноат” АЖ амортизация ажратмаларининг жамғариш (такрор ишлаб чиқариш) усулини қўллаш ва харажатлар тақсимлаш усулидан воз кечиш лозим.

Жамғариш усули “Ўзкимёсаноат” АЖнинг амортизация фондида кимёвий саноат маҳсулотларини сотишдан тушган тушумдан нақд пул шаклида амортизация ажратмаларини тўплашга замин яратади, сўнгра амортизация фондида тўпланган амортизация ажратмаларини асосий воситаларни кўпайтириш учун хусусий маблағларни инвестициялаш сифатида фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Химическая промышленность — Википедия (wikipedia.org)
2. Твисс Б. Управление научно-техническими инновациями. М.: Экономика, 1989. – 388 С.
3. Cooke Ian, Mayers P. Introduction to Innovation and Technology Transfer. Boston: Artech House, Inc., 1996. Part 1. – P.124
4. Медынский В.Д., Ильдеменов С.В. РЕвропа Иттифоқинжиниринг инновационного предпринимательства. М.: Юнити, 1999. – 414 С.
5. М.С.Саидкамоллов Ўзбекистон Республикаси темир йўл тармоғида инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш. ”. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. Т.: 2021 й.
6. Боймирзаев Б.Ж. “Ўзбекқўмир” акционерлик жамиятини инновацион фаолият асосида самарали ривожлантириш/Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. -Т.: 2020. 23бет
7. Набиева С.А. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантириш механизмлари такомиллаштириш. И.ф.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат – Т.: 2021. Б.15.
8. Жаҳонгиров И.Ж. Миллий иқтисодиётни инновацион-инвестицион ривожлантириш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш. И.ф.н илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2019. 36-б.
9. Виленковский П.Л., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов. Теория и практика: Учебное пособие - 5 изд., перераб. и доп. - М.: Поли принт Сервис, 2015 - 1300 с.
10. Дехканова Н.Ш. Modern Approaches and Strategies for the Implementation of Innovative Processes in Industrial Enterprises on the Example of Uzbekistan // International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD). Special Issue on Modern Trends in Scientific Research and Development, Case of Asia Available. – Nov.-Dec. 2020.–P.59–62.
11. [URL:www.http://uzkimyosanoat.uz](http://uzkimyosanoat.uz)
12. Дехканова Н. Ш. Организация инновационных кластеров в управлении инновационно-инвестиционной деятельностью промышленных предприятий // Экономика и инновационные технологии. Научный электронный журнал. 2020.- № 4. - С. 179–184.